

РУС ВА ЕВРОПА ТИЛЛАРИДАН ЎЗЛАШГАН КИЙИМ-КЕЧАК НОМЛАРИ

Нурмуҳаммад Шоҳсанам - УрДУ магистранти

Аннотация. Ушбу мақолада чет тиллардан ўзлашган кийим-кечак номлари таҳлил қилинган, уларнинг Хоразм воҳаси кийим-кечак номлари ҳосил бўлишига таъсири ўрганилган.

Калит сўзлар. Кийим-кечак, этимология, лексик бирлик, роман тиллари, герман тиллари.

Маълумки, рус тили ва рус тили орқали бошқа хорижий тиллардан сўзлар олиш сўзлашув тили, нутқ жараёнида содир бўлган бўлса, ҳозирги кунда буни тўғридан- тўғри Европа тиллари билан мулоқот натижасида амалга ошаётгани, дунё халқларининг яқинлашуви, глобализация, илмий – тахникавий алоқалар, айниқса, ҳаётимизга интернет тармоғининг кириши бу жараёни интенсифлаштирмоқда.

Хуллас, Хоразм воҳасида истиқомат қилувчи бошқа туркий халқларнинг тилида ҳам бу жараён ўз изини қолдирган¹. Тил луғат таркибида маълум қатлам сифатида шаклланган ушбу бирликларнинг маълум қисми кийим-кечак номларига ҳам алоқадордир.

Бу лексик бирликларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, уларнинг кўпчилиги рус тилига хос бўлса, бошқа бир қисми рус тилининг ўзи учун ҳам ўзлашмалар ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги рус тили воситачилигида кириб келган лотинча, италянча, испанча, французча, немсча, инглизча сўзлардир. Шу сабабли уларнинг айримлари рус тили қоидаларига мослаштирилган. Кейинчалик эса ушбу шакли ўзбек тилига қабул қилинган. Шундай экан, бу типдаги номлар ўзлашиш жараёнида икки қарра адаптацияга учраган ва бу ҳолатни эътиборда тутиш лозим. Шунинг назарда тутган ҳолда кийим – кечак номларини тарихий – этимологик таҳлил қилиш жараёнида асл манбага яқинлаштириш аъъанасини танладик. Рус тилидан ўтган сўзларни шу асосда таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Хоразм воҳасида учрайдиган кийим – кечак номларининг таркибида асл русча номлар ҳам талайгина. Уларнинг кўпчилиги шева вакиллари тилига анча илгари оғзаки сўзлашув орқали кириб келган.

Рус тилига хос номлар: *басаножка* (оёқ кийими), *кубанка* (бош кийим), *куртка* (уст кийим), *майка* (ич кийим), *пупайка* (пахтали уст кийим),

¹ Носыров. Д. С. Становление каракалпакского общенородного разговорного языка и его диалектная система. Нукус – Казань, 1976, с 346–347.

шапка, кепка (бош кийим), пилотка (харбий бош кийим), носки, чулки (оёк кийим), шерс (мато номи), кофта, юбка, труси ва б.

Рус тилидан ўзлашган сўзларнинг кўпчилиги қисми XIX асрда кириб келган. Ўзбек тилига улар асосан оғзаки нутқ орқали ўзлашган ва қандай талаффуз қилинса шундайлигича ёзилган. Албатта бундай ҳолатда маҳаллий шеваларнинг таъсири катта бўлган. Халқ оғзаки ижоди намуналарига эътибор қилинг:

Алдинә чиқамән адабла вилән,
Қастунла тикаман сәдәплә вилан.
Башина орапты серий касынка ...

Тадқиқотчиларнинг таҳлил қилишича, ўзбек тили лексикасида кўплаб сўзлар герман тилларига мансуб бўлиб, улар ҳозир ҳам фаол қўлланмоқда².

Бизнинг кузатишимизга кўра, француз тилига хос бўлган кийим –кечак номлари анчагина қисми ташкил қилади. Рус халқи тарихининг маълум даврида зодагонлар, юқори табақа вакиллари орасида кийинишда, адабиёт ва санъат борасида, умуман маиший турмушда французларга тақлид қилиш анъанаси вужудга келган. Бунинг натижасида рус тилига кўплаб француз тилига хос сўзлар кириб келган. Кейинчалик рус тили орқали бошқа тилларга ўзлашган³.

Қиёс қилинг:

Ботинка (фр. этик. Ип тақиб ёки тугмалаб кийиладиган қисқа кўнжли пойабзал).

Бостон (шаҳар номидан, костюмбоп ва пальтобоп газлама).

Велюр (фр. духоба – тук билан қопланган, пахмоқ). Француз тилида қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Буғу, қўй ва бошқа хайвонлар терисидан ошлаб тайёрланадиган юмшоқ тукли бахмалсимон чарм.

2. Тоза, сифатли жун толаларидан тўқиладиган калта тукли майин мато (мовутнинг бир тури).

Жакет (фр. Хотин - қизларнинг калта уст кийими).

Жилет (фр. Жилле исми қизиқчи, масхарабоз номидан. Енгсиз, калта камзул, нимча). Шевада жалатка // жаклатка.

Камзул (фр. Илгари ёзлик пальто ўрнида кийиладиган енгил, узун уст кийим). Шевада камзўр.

Комбинзон (фр. Шими билан қўйлаги қўшиб тикилган иш кийими). Шевада комбинзон “иш кийими”.

Костюм (фр. 1. Пиджак ва шим ёки жакет ва юбкадан иборат устки кийим;

² Жуманиёзов О. Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари. Тошкент, “Фан”, 1987, 50 бет.

³ Бердимуратов Е, Даўлетов А. Ҳозирги қорақалпоқ тили. “Қорақалпоқстон”, 1979, 235 бет.

2. Ёқаси қайтарилган, кўкрак олди очик, тугмали, калта устки кийим; пиджак ёки жакет. 3. Маскарад ёки театр кийими)

Крепдишин (фр. Пишиқ юпқа шоҳ газлама). Шевада гирбишин.

Поплин (фр. Арқоғи йўғонрок, ўрими ингичка ип ёки ипакдан тўқилган газмол). *Ипакли поплин, поплин кўйлак*.

Тужурни (фр. Доимий, кундалик кийим. Одатда икки бортли эркакча устки калта кийим; калта куртка). Шевада жужурка.

Шарф (фр. Бўйинга ўраладиган ёки бошга, ташлаб юриладиган, энига нисбатан узун мато). Булардан ташқари тилимизда французча газмол ва матоларнинг ҳам номлари учрайди. Қизиғи шундаки, уларнинг айримлари кийим номларини ҳам ифодалашга мослашган: *драп, трикотаж, габардин, сатин, крепдишин, поплин, шифон* ва бошқалар.

Ўзбек тили лексикасига ўзлашган кийим – кечакка оид қатор сўзлар келиб чиқишига кўра инглиз тилига оиддир. Тиллар тарихидан маълумки, турли тарихий шароитларга ва омилларга кўра бир тил иккинчисидан кўпроқ, бошқаси эса камроқ сўзлар қабул қилади. Баъзан сўз ўзлаштириш жараёни тиллар орасида мавқе нуктаи назаридан алмашиб ҳам турган. Уларнинг бири маълум даврда *Рецептор* (қабул қилувчи) тил вазифасини бажарса, бошқаси манба тил (сўз берувчи) ҳолатида бўлган. Масалан, Европада бир вақтлар сўз ўзлашуви ва янги лексик бирликлар яратилиши грек ва лотин тиллари асосида содир бўлган бўлса, кейинги даврларда *инглиз, рус, немис* тиллари орқали амалга ошмоқда. Бир вақтлар рус тилига ҳам инглиз тилларидан кўплаб илмий атамалар ва турмушнинг турли соҳаларига оид бўлган лексик бирликлар кириб келган. Бундай бирликларнинг айримлари ўзбек тилига ҳам ўтган. Инглиз тилига хос кийим - кечак атамалари ҳақида тўхталамиз.

Бриджси – (ингл. отда юриш учун кийиладиган шим). Шевада *брижжа* “уйда кийиб юриладиган шим, уйлик кийими”.

Бутси – (ингл. Футбол ўйинчисининг тагига тишлар ўрнатилган оёқ кийими).

Вельвет – (ингл. Бахмал, духобага ўхшаш газлама). Шевада *вилвет*.

Жемпер – (ингл. Ипакдан ёки жундан тўқилган, тугмасиз бошдан кийиладиган кўйлак). Шевада *жымпыр // жумпыр* “жун ёки бошқа материалдан тўқиладиган устки кийим.

Жерсе, джерси (ингл.) Ипакдан тўқилган газлама.

Пиджак – (ингл.) Костюм; Кийимнинг юқори қисми.

Пижама – (ингл.) 1. Ҳиндистонда енгил матодан бўлган кенг шимсимон кийим. 2. Кенг калта камзул (куртка) ва шимдан иборат хонаки енгил кийим.

Светер – (ингл.) Тугмасиз тўқилган, бошдан кийиладиган иссиқ кийим.

Шорт –(ингл.) Почаси калта шим. Шевада *шортик* “болалар киядиган калта почаси шим”.

Кейинги даврларда спорт турлари билан боғлиқ ҳолда ҳам айрим сўзлар инглиз тилидан кириб келган. Жумладан, *красовка, футболка* каби. Асида *красовка* инглизча: 1. Телефон стансияларида абонент ташқи линияси. Ташқи линия ва абонентлар. Стансион асбобнинг улаш жойи; 2. Югуриш спорт тури, бунда енгил атлетика йўлакчасда югуришдан фарқли равишда табиий йўллардан югурилади; ушбу пойгада кийиладиган пояфзал номини ҳам англлатган. Шевада *красовка* барча енгил спорт пояфзалини англлатади.

Рус тили орқали кириб келган кийим-кечак номларининг маълум бир қисми келиб чиқишига кўра *немис* тилига хосдир. Маълумки, немис тили ҳинд-европа тилларининг герман тиллари гуруҳига мансуб бўлиб, инглиз тили ҳам шу оилага тааллуқли. Бу тил франк, сакс, туринг, алеманн, бавар каби ғарбий герман қабилалари шеваларидан таркиб топган. Шундай экан, айрим номлар герман тиллари учун муштарак бўлиши табиийдир. Номларнинг айрим тилларга хос эканлиги ҳақидаги фикрларимиз, асосан, рус тилига ўтиш даври билан боғлиқ ҳолда баён етилганлигини таъкидламоқчимиз. Немис тилига хос сўзларнинг мавзуй гуруҳлари санъат, спорт, кийим-кечак, айрим тилшуносларнинг кузатишларича ҳарбий соҳаларга алоқадордир⁴.

Шундай қилиб, тилимиз лексикасида рус ва рус тили орқали бошқа ҳинд европа тилларидан ўзлашган кийим –кечак номлари анчагина бўлиб, улар маълум соҳавий лексик қатламни ташкил қилади. Ушбу ўзлашмалар кўпчилик ҳолларда туркий адаптация натижасида фонетик , морфологик ва семантик ўзгаришларга учраган. Айниқса, XIX асрнинг охирларида ўзлашган номлар кўпроқ оғзаки нутқ таъсирида бўлган. Кейинги даврларда қабул қилинган кийим –кечак номлари тузилиши жиҳатдан камроқ ўзгаришга учраганлигини кузатиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент. 2006. 3 том.
2. Э.Бегматов. Мустақиллик даври атамалари. 2002. Тошкент.
3. О.Жуманиезов. Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари. Т.1987.
4. Э.Бегматов. Ўзбек тили тарихий лексикологияси. Т. Фан.1981.
5. Бердимуратов Е, Даўлетов А. Ҳозирги қорақалпоқ тили. “Қорақалпоқстон”, 1979

⁴ Бердимуратов Е, Даўлетов А. Ҳозирги қорақалпоқ тили. “Қорақалпоқстон”, 1979, 234–235